# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 6 декабрь, № 251 (7209) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 13 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала киритилмоқда.

Шунингдек, ялпи мажлис кун тартибига Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурини ижро этишга, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган масалалар киритилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Уруғчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини, баъзи давлат органлари фаолиятини, қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунлар ҳам кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, сенаторлар ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг вазирликнинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитадилар.

Ялпи мажлисда Фарғона вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланади.

Сенаторлар фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси раисининг ахборотини эшитадилар ва 2019 йилда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш дастури тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқадилар.

Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва уни ўташга оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан парламент сўрови юбориш билан боғлиқ масалани муҳокама қиладилар.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девонининг ўн еттинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун Сенат Кенгаши томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Мажлисда Сенат Кенгашининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

# Ўзига хос акция, арзонлаштирилган нарх ва инновацион ёндашув



### Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

*Шу кунларда “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятига қарашли Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводига йўлингиз тушса, ноодатий ҳолга гувоҳ бўлишингиз мумкин.*

Гап шундаки, завод ҳовлисида кўргазмали равишда қўйилган трактор, тиркама, комбайн, чигит экиш сеялкаси сингари қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган техникалар орасида “GM Uzbekistan” корхонасида тайёрланган енгил автомобиль эътиборингизни тортади. Буни кўриб, беихтиёр хаёлингиздан “Завод қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган бўлса, бу ерда енгил автомобиль нима учун турибди?” деган савол ўтиши аниқ. Биз ҳам худди шу савол билан мутасаддиларга мурожаат қилдик.

— Бу бежиз эмас, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Мухтор Каримов. — Яъни мазкур заводимизда жорий йилнинг 3 декабридан келгуси йилнинг 31 январига қадар махсус акция ўтказилмоқда. Шу вақт ичида тизим корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган “TTZ LS 100-HC” тракторидан битта ва ундан ортиқ ҳамда “TTZ LS I-38” русумли тракторидан 2 та ва ундан ортиқ харид қилган киши мазкур акцияда иштирок этади. Натижада ўзига хос лотерея шаклида ўтказиладиган ўйинда бир киши ушбу автомобиль соҳибига айланади.

→ 3

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# Инсон манфаатларининг ҳуқуқий пойдевори




*Конституция жамият ҳамда давлат олдига мақсад қўйиши билан қадрлидир. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида ҳам устувор мақсад аниқ ифодаланган. У ҳам бўлса, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир.*

Хўш, демократик ҳуқуқий давлат қандай бўлади?

Бу ҳуқуқ устувор бўлган, давлатнинг ҳаракатлари қонун билан тартибга солинган, қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинадиган, адолат, тенглик ва эркинлик тўлиқ таъминланган давлатдир.

Холис айтганда, ҳозирги кунда бирон-бир давлат демократик ҳуқуқий жамият қуриб бўлинди, деёлмайди. Боиси, ушбу жараён доимо такомиллашиб бораверади.

Мамлакатимиз бу мақсадга эришиш учун ҳар бир чиқарилаётган қарор, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатнинг инсонпарварлик, ҳуқуқ устуворлиги, инсон ҳуқуқларига мослиги, демократик талабларни ўзида ифодалаганлигига эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам айнан биз кўзлаган конституциявий мақсад — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга олиб борадиган ўзига хос “йўл харитаси”дир.

Конституция давлат билан халқ ўртасидаги ўзаро аҳднома, десак ҳам сира муболаға бўлмайди. Буни биз Конституциямизнинг 19-моддасидаги: “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар”, деган жумладан ҳам билсак бўлади.

Бу аҳдномада давлат ўз зиммасига бир қатор бурчларни олган. Буни Асосий Қонунимизнинг қатор моддаларида кўришимиз мумкин. Жумладан, унинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги белгиланган. 4-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши ўз ифодасини топган. Очиғи, Конституциямизда шу мазмундаги меъёрлар талайгина.

Бу аҳдномада, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳам бир қатор бурчлари белгилаб берилган.

Конституциямиз жамиятнинг турли қатламлари ўртасидаги консенсус, барчани келиштирган, манфаатларини ўзида ифода этган ҳужжат вазифасини ҳам ўтаб келмоқда. Зеро, жамиятда турлича таъсирга эга бўлган қатламлар, гуруҳлар борки, Асосий Қонун уларнинг манфаатларини тенг ифодалашни кафолатлаши айни зарурат ҳисобланади.

Албатта, Конституция мукаммал бўлиши мумкин, лекин унга тўла риоя қилинмаса, айтганларимизнинг барчаси ўз маъносини йўқотади. Шу нуқтаи назардан, жамиятнинг ютуғи пухта ва мукаммал Конституцияда эмас, балки уни ҳурмат қилиш муҳитини шакллантиришдадир.

**Миравзал МИРАКУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар доктори.**



### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

## Мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашда депутатлик корпусининг роли қандай бўлади?

*Президентимиз ўтган ҳафтада Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида юртимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаб берди. Аскарлар, ҳарбий хизматчилар мамлакатимизнинг шонли тарихини, она заминимизда яшаб ўтган буюк қаҳрамонлар, саркарда ва қўмондонлар ҳаёти ҳамда жасоратини чуқур билиши, улар билан ғурурланиши лозимлигини таъкидлади.*

Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини ишончли таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳарбий таълим масаласига биринчи даражали эътибор қаратиш бўйича топшириқлар берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилиши мазкур вазифаларни изчил бажариш масалаларига бағишланди. Унда Мудофаа вазирлигининг ахбороти эшитилди. Ўтган даврда рўёбга чиқарилган ишлар таҳлил этилди. Энг аввало, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва соҳа фахрийларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Келтириб ўтилганидек, бугунги кунга қадар ҳарбий хизматчиларга 56 та тураржой топширилди. Яна 74 та уй қурилиши давом этмоқда.

Муҳокамаларда депутатлар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишда парламент аъзоларининг роли, шу жумладан, ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш, депутатларнинг ҳарбий хизматчилар билан мунтазам мулоқотини йўлга қўйиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда депутатлик корпуси имкониятларидан кенг фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ҳарбий хизматга чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг мутлақо янги, самарали тизимини яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини ишга кафолатли жойлаш, ҳарбий таълим муассасалари ўқув дастурларини такомиллаштириш ҳамда моҳир саркарда боболаримиз ҳақида илмий тадқиқотлар, бадиий китоблар, кинолар яратиш каби масалаларнинг ташкилий-ҳуқуқий ечимини ишлаб чиқиш, шу мақсадда қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Янгиланган Мудофаа доктринаси, Қуролли Кучларни ислоҳ этиш бўйича қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарали ижросини таъминлаш юзасидан парламент назоратини кучайтириш зарурати қайд этилиб, бу борада бир қатор тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Якунда Мудофаа вазирлиги тузилмаларининг замонавий ҳарбий қурол-аслаҳа ва анжомлари, техникалар, ҳарбий хизматчиларнинг формали кийим намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

### Эътироф

## АҚШлик эксперт: «Ўзбекистондаги янгиланишлар барчанинг диққат-эътиборида»

*Вашингтонда жойлашган Карнеги халқаро тинчлик жамғармаси Россия ва Евросиё тадқиқотлари дастури катта илмий ходими Пол Стронски юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.*

Ўзбекистондаги янгиланишлар кейинги вақтларда ахборот маконидаги энг “қайноқ” янгиликлардан бири бўлмоқда. Айниқса, мамлакат ташқи сиёсатида фундаментал ўзгаришлар юз берди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари минтақада сув, энергетика, транспорт, савдо ва иқтисодий алоқалар сингари масалаларни ҳал қилиш учун улкан имкониятлар яратди. Чегаралар очилиши Марказий Осиё давлатлари ўртасида бевосита савдо-сотиқ алоқаларига хизмат қилмоқда.

→ 2

### Ёшлар — келажагимиз

## «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони совриндорлари тақдирланди



*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги арафасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг қарори асосида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган, меҳнатсевар ва фидойи ёшларнинг бир гуруҳи “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.*

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ушбу юксак мукофотни ўз эгаларига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур кўкрак нишони соҳиби бўлиш иштиёқидаги ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2018 йилда танлов комиссиясига 984 нафар номзоднинг ҳужжати келиб тушди.

→ 2

### Депутат фикри

## Кластер ривожи учун яхлит қонуний асос зарур



*Кластер — битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи. Янада соддароқ қилиб айтганда, масалан, пахтачиликда чигит экишдан то тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи ягона технологик занжирга бирлаштирадиган тизим.*

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳада муҳим ислоҳотлар ўтказишга имкон бермоқда. Унинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги қарори билан пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган.

Республикамизда бугунги кунга келиб, 15 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил қилинди.

Жаҳон бозорида 1 килограмм пахта толаси 1-1,5 АҚШ долларига баҳоланади. У йигирилиб, калава ип қилинса, қиймати 7-8 долларга, агар ундан мато тўқилиб, тайёр маҳсулот, дейлик, 3 та эркаклар кўйлаги тикилса, қўшимча қиймат янада ортиб, 100 долларга айланади. Ёки кластер тизимида қайта ишланган 1 килограмм толадан тўқилган мато битта “Деним-индиго” жинси либосини тикиш учун етарлидир. Бундай маҳсулот дунё бозорида 500 — 1000 долларгача сотилишини инобатга олсак, даромаднинг чўғию мақсад-муддаонинг моҳияти дарров англашилади.

→ 2

# «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони совриндорлари тақдирланди

1 ➡ Жорий йилда илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, санъат, журналистика, спорт, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, ҳуқуқ ва ҳарбий соҳаларда самарали фаолият олиб бораётган ҳамда илмий-ижодий иш билан шуғулланиб, юксак натижаларга эришаётган 41 нафар ёш ушбу нуфузли нишон билан тақдирланди.

Тошкентлик Наргиза Арсланова “Tashkent City” ишбилармонлик марказини бунёд этиш ишларида фаол қатнашмоқда. Ушбу фидойи қиз ҳам ўз кўксини “Ўзбекистон белгиси”дек юксак нишон безаб турганидан хурсанд.

— Қурилишда 125 метрдан баланд кранни бошқаряпман, — дейди у. — Қиз бола учун бу иш оғирмасми, дерсиз. Асло! Ўз ишимни севганим, қалбимдаги ватанпарварлик, ғурур ва ифтихор ҳисси ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга ундайди. Нуфузли мукофот руҳимни жуда кўтарди, хурсанд бўлдим. Ишга янада кучли масъулият ва иштиёқ билан киришаман.

Бу йил аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, мазкур кўкрак нишони билан ўзининг меҳнатсеварлиги, фидойилиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси обрўсини халқаро даражада юксалтиришга қўшган алоҳида ҳиссаси учун чет эл фуқаролари ҳам тақдирланди. Хусусан, Россия ёшлар иттифоқи Умумроссия жамоат ташкилоти раиси ўринбосари Татьяна Селиверстова ҳамда “Hi China” дунё ёшларини ривожлантириш форуми ижрочи президенти Си Лью мазкур мукофотга муносиб топилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувахитов иштирок этди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



«Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир...»

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан.**

## Конституция — менинг тақдиримда

# Миллий чолғуларимиз садоси дунёга таралмоқда

*Ўттиз етти йилдирки, ёшларга миллий мусиқадан сабоқ бериш билан бирга, мусиқа асбоблари ясашни ўргатиб келяпман. Бугун кўплаб шогирдларим турли ҳудудларда самарали фаолият юритмоқда. Улар орасида кўрик-танловлар ғолиблари ҳам бор.*

Шу кунгача унутилган кўплаб миллий мусиқа асбобларини, масалан, темир, ёғоч, лой ва қамишдан ишланадиган 8 чолғуни тиклашга муваффақ бўлдик. Айни пайтда шогирдларим билан буломон, сурнай, қурай, дутор, қўбиз, қартиқ, сибизға каби 25 дан зиёд мусиқа асбобларини ясаяпмиз. Ана шу хизматларимиз туфайли 6 йил муқаддам ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳомийлигида замонавий устахонага эга бўлдик.

Бундай эътибор бизни янги марралар сари етаклади. Хусусан, Хитойда ШҲТ кўмагида ташкил этилган анжуманда, Туркманистон Республикасида бўлиб ўтган “Аваза” фестивалида ўзимиз ясаган миллий мусиқа асбоблари билан муваффақиятли қатнашдик.

Миллий мусиқа асбоблари тарихи, ижроси қоидалари, ясаш усулларига бағишланган услубий қўлланмам кўплаб мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилаётганидан мамнун бўлиб юраман.

**Азат ЎТАРБАЕВ,**
**Нукус маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси,**
**«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**

# Фермерларни нима қийнаяпти?

*Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларнинг Бухоро вилоятидаги ижросини ўрганиш натижаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.*

## Парламент ҳаёти

Вилоятда жами 7 минг 611 фермер хўжалиги бўлиб, шундан 5 минг 278 тасида (69 фоиз) кўп тармоқли фаолият йўлга қўйилган. Дастур доирасида вилоятдаги 1206 та (82 фоиз) фермер хўжалигида умумий қиймати 99 млрд. 462 млн сўмлик 1379 та лойиҳа (83 фоиз) амалга оширилиб, кўп тармоқли хўжалик юритиш йўлга қўйилган. Унинг ижроси 71 фоиз бажарилган. Белгиланган вазифалар нима учун тўлиқ бажарилмагани атрофлича таҳлил қилинар экан, бунга, асосан, деҳқон ва чорвадорлар дуч келаётган қатор муаммолар сабаб бўлаётгани айтилди.

Фермер ва деҳқонларнинг асосий муаммолари қаторида, аввало, маблағ масаласи қайд этилди. Хусусан, тижорат банкларидан кўп миқдорда кредит олишда аксарият ҳолларда гаров учун фермер хўжаликларининг мол-мулки етарли бўлмайди. Шундай вазиятда уларни қўллаб-қувватлаш ва ажратилган кредитлар фоизларини камайтириш механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга озуқа ер майдонлари ажратиш ҳамда кучли озуқалар (шрот, шелуха ва омихта ем)ни тўғридан-тўғри етказиб бериш масаласи ҳам жиддий ёндашувни талаб этади. Чунки биржа савдоларида озуқаларни етказиб бериш жуда катта ноқулайликлар ва ортиқча сарф-харажатларга олиб келиши оқибатида қийинчиликлар юзага келмоқда.

Мажлисда ўрганишлар давомида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар билдирилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

# Лавозим разрядларини қайта кўриб чиқиш таклиф этилди

*Давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш юридик хизматлар зиммасига юклатилган асосий вазифалар сирасидан.*

Буларни юқори даражада бажариш учун хизмат ходимлари доимий равишда тажриба орттириши ва уч йилда камида бир маротаба марказлаштирилган ҳолда ўқитилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, Қашқадарё вилоятидаги айрим давлат идораларида бу тартибга риоя қилинмаяпти. Оқибатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби бузилгани сабабли кўриб чиқилмасдан қайтарилган. Бу эса ортиқча ҳужжат айланишига ҳамда бир ҳужжатнинг Адлия вазирлигига икки ва ундан кўп маротаба тақдим этилишига сабаб бўляпти.

Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматнинг йўлга қўйилгани ҳолатини Қашқадарё вилоятида ўрганиш натижалари муҳокамасига бағишланган мажлисида шулар хусусида сўз юритилди.

Чунончи, вилоятнинг айрим муассасаларида юридик хизмат ходимларига ажратилган хизмат хоналари ҳажман жуда кичик бўлиб, меҳнат қилиш учун ноқулайлик туғдирмоқда. Бундан ташқари, уларга керакли асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ҳам тақдим этилмаган.

Сўзга чиққанлар камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирди. Хусусан, лавозим разрядлари пастлиги сабабли республика, ҳудудий (вилоят) ҳамда туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд бўлган юридик хизматлар ходимларининг лавозим разрядлари қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқлиги айтилди.

**Мунисхон КАРИМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тақдимот

# Давлат бюджети ҳақида очиқ тўплам

*Пойтахтимизда “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

Мазкур тўплам 2019 йил Давлат бюджети лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси молиявий кўмагида тайёрланди.

Кенг оммага мўлжалланган бундай бюджет лойиҳаси Буюк Британия, Россия Федерацияси, Норвегия, Бразилия, Мексика сингари дунёнинг кўплаб давлатларида мунтазам чоп этилади. Юртимизда ҳам бундай тўплам нашр қилина бошлангани бюджет жараёнининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг мазкур соҳадаги саводхонлигини ошириш сари ташланган муҳим қадам бўлди.

Тадбирда қайд этилишича, уни тайёрлаш чоғида барча учун тушунарли тил ва услубдан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Яъни иқтисодий атамалардан имкон қадар камроқ фойдаланиб, инфографикалар, таҳлилий кўрсаткичларга кенгроқ ўрин берилди.

Яна бир янгилик. Молия вазирлиги томонидан “Очиқ бюджет” сайти ишлаб чиқиляпти. У фуқароларга Давлат бюджети ҳақида ўзларини қизиқтирган маълумотларни онлайн тарзда олиш имконини беради.

**Нодирбек ИБОДУЛЛАЕВ.**

# «Ўзбекистондаги янгиланишлар барчанинг диққат-эътиборида»

1 ➡ Халқаро даражада Ғарб мамлакатлари билан муносабатлар тубдан яхшиланди, Туркия билан алоқаларда янги саҳифа очилди. Яқиндагина Россиянинг деярли минг кишига яқин катта делегацияси Тошкентга келиб кетди. Буларнинг барчаси ўзбек дипломатиясидаги улкан ўзгаришларнинг ҳаётий ифодасидир.

Дунёга очиқлик сиёсатини эълон қилган ҳолда Ўзбекистон ҳукумати виза тартибини либераллаштирди, хориждаги ўзбек диаспорасини Ватанга қайтишга ва унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшишга чорламоқда. Пировардида илгари мамлакатни маълум сабабларга кўра тарк этган ўзбеклар она Ватанига қайтмоқда.

Ҳукумат инвестициявий ва бизнес муҳитини яхшилаб, халқаро компанияларни иқтисодиётга жалб қилишга интиляпти. Ўзбекистонда ёшлар сонининг тез суръатлар билан ўсиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, иқтисодий модернизациянинг нақадар зарурлиги ва муҳимлиги янада аёнлашади.

Коррупция муаммоси хусусида мамлакатда очиқ-ошкора муҳокамалар бошланди. Бу ниҳоятда муҳим бурилишдир. Коррупция билан курашишнинг муваффақияти инсонларнинг кундалик ҳаётини тубдан яхшилашга олиб келади.

Умуман, мамлакат ички сиёсатида илгари тақиқланган мавзуларга очиқ фикр-мулоҳаза билдириш ҳамда маҳаллий амалдорларни фуқароларни хавотирга солаётган масалаларни тезроқ ва самаралироқ ҳал қилишга ундаш кузатиляпти. Бу ижтимоий-иқтисодий шароитларни ижобий ўзгартириш билан бирга, аҳолининг турмуш тарзи ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади.

Иқтисодий модернизация ва амалдорларнинг халқ учун хизмат қилиши иқтисодий ўсиш учун имкониятларнинг кенгайиши, ҳаёт даражасининг юксалиши, коррупциянинг камайишига туртки беради.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**



# Талабалар журналистика бўйича Хитойда тажриба орттиради

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий йил май ойида ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети делегацияси яқинда Хитой Халқ Республикасида бўлди.*

Мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган мазкур амалий сафар доирасида университет ректори бошчилигидаги делегация аъзолари Хитойнинг машҳур “Жэньминь жибао” газетаси, “Синьхуа” ахборот агентлиги раҳбарияти ва масъул ходимлари билан учрашувлар ўтказди. Музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, жумладан, университет талабаларининг мазкур оммавий ахборот воситаларида малака оширишларини йўлга қўйиш, қўшма тадбирлар уюштириш, ҳар икки мамлакатда ташкил этиладиган журналистикага оид семинар, конференция ҳамда бошқа тадбирларда Ўзбекистон ва Хитой вакилларининг иштироки борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Сафар чоғида мамлакатимиз вакиллари Хитой коммуникациялар университети раҳбарияти билан ҳам учрашди. Икки олий таълим муассасаси ўртасида кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди.

Унинг якунлари бўйича Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Хитой коммуникациялар университети ўртасида академик алмашувларни кўзда тутадиган Англашув меморандуми имзоланди.

Мазкур ҳужжатда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар, журналистиканинг илмий-назарий йўналишларида ўзаро ахборот ва материаллар алмашиш, биргаликда академик конференциялар ташкил этиш ҳамда бошқа қатор йўналишларда яқин ҳамкорликни ўрнатиш кўзда тутилган.

Мулоқот сўнгида Хитой коммуникациялар университети президенти бошчилигидаги мазкур олий ўқув юрти делегациясининг 2019 йил баҳорида Ўзбекистонга сафарини амалга ошириш юзасидан ҳам келишувга эришилди.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Дунё» АА мухбири.**
Пекин

# Кластер ривожи учун яхлит қонуний асос зарур

1 ➡ Келинг, шу ўринда яна айрим жиҳатларга эътибор қаратайлик. Биргина аграр ва тўқимачилик соҳасида кластер тизимини таҳлил этадиган бўлсак, жорий йилда 20 та туманда 164 минг гектар майдонда кластер усулида пахта етиштириш йўлга қўйилди.

Ўзини оқлаётган бу тизимни янада кенгайтириш мақсадида 2019 йилда 61 кластер томонидан жами пахта майдонларининг 51 фоизида пахта етиштириш режалаштирилган. Келгусида уни етиштирувчи 133 та тумандан 70 таси тўлиқ кластер тизимига ўтади. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган толанинг 78 фоизи Ўзбекистонда қайта ишланади. 2020 йилга бориб эса толани тўлиқ қайта ишлашга ўтилади. Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш улуши 40 фоиздан камида 60 фоизга етказилади.

Пахта-тўқимачилик кластерларига берилган барча имтиёзни кейинги йилларда ҳам татбиқ этиш, улар фаолиятини янада кенгайтириш мақсад қилинган.

Шу боис давлатимиз раҳбари кластерлар фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш зарурлиги, пахтачиликда қишлоқ хўжалигининг келажаги, унинг иқтисодий самарадорлиги кластерлар билан боғлиқлиги, мазкур тизим аграр соҳани жадал ривожлантиришнинг локомотиви бўлиши кераклигини қайта-қайта таъкидламоқда.

Демак, мамлакатимиздаги пахта етиштирувчи туманларнинг ярмидан ортиғи тўлиқ кластер тизимига ўтар экан, албатта, бу жараёнда ҳуқуқий асос мустаҳкам бўлиши айни муддао. Тўғри, ҳозирги пайтда 700 дан ортиқ қонунлар мавжуд. Уларнинг 400 дан зиёди иқтисодиёт соҳасига дахлдор. 150 дан ортиқ қонунлар ёки улардаги айрим нормалар эса бевосита тадбиркорлик, хусусий секторга тааллуқли. Бироқ кластерлар соҳаси ва фаолиятини тартибга солувчи яхлит ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Ваҳолонки, ислоҳотлар самараси уни ҳаракатлантирувчи ҳуқуқий формулага асосланади.

Шу маънода, кластерлар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлашга қаратилган яхлит қонунчилик базасини шакллантиришга зарурат туғилмоқда.

Кези келганда, бу борадаги саъй-ҳаракатлар жараёнида амалдаги мавжуд миллий қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш, турли қонун ҳужжатлари ўртасидаги зиддиятлар хусусида ҳам қисқача мулоҳаза юритсак. Хусусан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда бундай ҳужжатларнинг юридик кучи белгилаб қўйилган. Яхлит қонунларнинг ўрни бошқа қонун ҳужжатлари билан таққослаганда ҳар доим ҳам устун мавқега эга бўлиши керак. Амалда ҳам шундай ҳолат изчиллик касб этсагина, меъёрлар тўғридан-тўғри ҳаётга татбиқ қилинади.

Шу ўринда адлия органлари томонидан 20 турдан ортиқ ҳужжатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганини қайд этиш жоиз. Маълумотларга кўра, ўрганилган 9 ой давомида бундай ҳужжатларни туркумлаш соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига 231 тақдимнома киритилган, 310 та қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган қарор бекор қилинган.

Умуман олганда, бугун мамлакатимизда шиддатли ислоҳотларни янада жадаллаштиришда қатор соҳавий муносабатлардаги ҳуқуқий жиҳатдан ечимини кутаётган бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мавжудларидаги ёки уларнинг айрим нормаларидаги жиддий камчиликлар ҳамда ўзаро зиддиятли масалаларни бартараф этиш олдимиздаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Буларни ечиш эса парламент аъзоларидан қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятда мазкур жиҳатларга алоҳида эътибор билан ёндашиш лозимлигини талаб этади. Зеро, кластер сингари иқтисодиётимизга кириб келаётган мутлақо янги тизим кучли ҳуқуқий асосга таянган ҳолда, гуркураб ривожланмоғи, ҳам давлатимизнинг, ҳам халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим.

**Зафар ХАНИЯЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.**

# Пилладан тилладек даромад олиш имконияти яратилади



*Пиллачилик тармоғи Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларда яхши ривожланган. Шулар қаторида Ўзбекистон ҳам мазкур соҳа равнақига алоҳида эътибор қаратмоқда. Пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнига замонавий, инновацион технологияларни жорий этиш, ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш ҳамда тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга ошириляпти.*

Мисол учун, бугунги кунда мамлакатимизда пиллани қайта ишловчи 39 та корхона фаолият юритмоқда. Пиллачиликда 14 500 киши доимий ва деярли 411 минг нафари мавсумий иш билан таъминланган. Республикадаги тутзорларнинг умумий майдони 45,8 минг гектарни, тут дарахтлари сони 220 млн. тупни ташкил қилади. Хўш, бу камми ёки кўп?

Мутахассислар сўзларига кўра, агар соҳада барча имкониятни ишга соладиган бўлсак, ушбу рақамларни яна бир неча баробар ошириш мумкин. Демак, соҳада ҳали ҳал этилмаган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, пиллачилик тармоғининг озуқа базасида камомадлар бор. Бу эса қайта ишлаш ташкилотларини пилла хом ашёси билан тўлиқ таъминлаш имконини бермаяпти. Шу сабаб ипак қурти уруғининг аксарият қисми импорт қилинаётир. Жумладан, 2018 йилда 91 фоиз ипак қурти уруғи четдан олиб келинди.

Президентимизнинг “Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тармоқни юксалтиришнинг янги босқичига асос бўлади.

— Маълум муддат ушбу соҳага эътибор берилмаган эди, — дейди “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси бош бошқарма бошлиғи Асадулла Қаюмов. — Бунинг оқибатида ипак қурти уруғи ишлаб чиқарадиган корхоналарда сифат даражаси ҳам, генетик жиҳатдан нотўғри селекция бўлиши натижасида ҳосилдорлик ҳам тушиб кетганди. Президентимизнинг мазкур қарори бу борадаги камчиликлар ечимига хизмат қилади.

Ҳужжатга мувофиқ, 2019 — 2021 йилларда пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан томорқа ерларида, аҳоли хонадонларида тут кўчатлари экиш ва парранда боқишни ташкил этишнинг мақсадли прогноз параметрлари ишлаб чиқилди. Унга кўра, уч йил давомида 200 минг хонадоннинг томорқа ерларига 40 млн. туп тут кўчатини экиш, пиллачиликка жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида уларга 10 млн. бош парранда етказиб бериш режалаштирилди. Бундан ташқари, умумий қиймати 33 млн. АҚШ долларига тенг жами 2 200 та ипак қуртини парваришлаш иншооти ҳам барпо этиладиган бўлди.




Соҳада татбиқ этилаётган яна бир янгилик: келгуси йилдан бошлаб белгиланган миқдордан ортиқча пилла топширган ташкилотларга маҳсулот нархига қўшимча равишда устамалар берилади. Яъни пилла етиштирувчига энди шартномада белгиланган миқдордан 5 килограммгача ортиқ бўлган пилла ҳосили учун 15 фоиз, ундан юқори бўлган ҳосилга 25 фоиз устама тўланади. Шунингдек, 2019 — 2021 йилларда “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотларнинг лойиҳаларини молиялаштиришга ажратиладиган банк кредити ставкасининг 50 фоизи, лекин 10 фоизлик ставкадан ортиқ бўлмаган миқдори Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация қилинади.

Пиллачилик билан шуғулланадиган ташкилотларнинг оёққа туриб олишига кўмаклашиш мақсадида уларга солиқ ва божхона имтиёзлари ҳам берилмоқда. Хусусан, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи мазкур ташкилотлар 2023 йил 1 январга қадар мол-мулк ва ер солиқларини тўлашдан озод этилиб, хусусий хорижий инвестициялар ҳисобига олиб кирадиган технологик ускуналари божхона имтиёзларига эга бўлади. Биргина шарти, ушбу ускуналарнинг ишлаб чиқарилган йили 7 йилдан ошмаган бўлиши керак, холос. Бироқ мазкур имтиёзларга эга бўлиш учун пиллачилар ҳам маълум вазифаларни бажаришлари лозим бўлади.

А. Қаюмовнинг айтишича, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг камида 50 фоизини экспортга йўналтириш шарти белгиланган.

Қарорга мувофиқ, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб тармоқ ташкилотлари ходимларини олий таълим муассасаларининг сиртқи бўлимларида ўқитиш тартиби ҳам жорий этилади. Улар тўлов-контракт асосида тест синовларисиз ўқишга қабул қилинади.

Шунингдек, Хоразм вилоятида инновацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда ҳосилдорлиги юқори бўлган интенсив тутзорларни барпо қилиш, сифатли ипак қурти уруғи етиштириш, замонавий ипак қуртини боқиш иншоотларини қуриш асосида пилла етиштириш ва уни қайта ишлашнинг намунавий тизими жорий этилади.

Қисқаси, шойининг мавқеини қайта тиклаш ва уни миллий бренд даражасига олиб чиқиш, қолаверса, соҳага янги-янги технологияларни татбиқ қилиш учун катта қадам ташланди.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.**

## Маҳаллий Кенгашларда

*Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳри, Қонликўл, Нукус, Тўрткўл, Чимбой, Шуманай, Элликқалъа, Кегейли, Амударё, Қўнғирот, Мўйноқ, Қораўзак, Тахтакўпир, Хўжайли ва Тахиатош туманларида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилдагига нисбатан ошган.*

# ЖИНОЯТНИНГ БИТТАСИ ҲАМ КЎП

Хусусан, фирибгарлик, товламачилик, ўғрилик каби жиноятлар статистикаси кўпайгани жамият ривожига бефарқ бўлмаган барчани ташвишга солиши турган гап. Ёшлар ноқонуний йўлларга кириб кетаётгани эса, айниқса, ачинарли.

Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш Республика комиссияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қўшма йиғилишида шу масалалар муҳокама қилинди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган мажлисда жорий йилнинг ўн ойида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Чунончи, жиноятчиликнинг барча турини кескин камайтириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, ижроси алоҳида назоратга олинмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган ўн ойида юз берган жиноятлар сони ўтган йилги 2 272 тадан 928 тага, яъни 40,8 фоиз камайган. Шунингдек, бу йил Оролбўйидаги 410 та маҳалланинг 105 тасида, яъни 26 фоизида умуман жиноят юз бермаган, 178 маҳаллада эса жиноятчилик камайган. Айниқса, 8 та туманда ёшлар томонидан жиноят содир этилмагани эътиборлидир. Аммо хотиржамликка берилиш асло мумкин эмас. Битта жиноят юз берса ҳам, унинг ортида инсон тақдири турганини инобатга олсак, бу муаммо ечими давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини талаб этади.

Айнан жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги ишлар жамоатчилик вакиллари билан ҳамжиҳатликда самарали ташкил этилмагани ҳамда ҳудудларга бириктирилган сектор раҳбарлари ва бошқа масъул идоралар ўртасида ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмагани оқибатида айрим йўналишларда жиноят содир этиш кўрсаткичлари ошган.

— Бугунги кунда Нукус шаҳрида жамоатчилик хавфсизлигини таъминлаш бўйича "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасини амалга ошириш, Ички ишлар органлари ишини мувофиқлаштириш бошқармаси фаолиятини "Isuzu" автобуслари билан таъминлаш чоралари кўриляпти, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири Айтбой Темирханов. — Жорий этилган "Жиноятчиликка қарши курашиш ҳақиқати ва адолати" тизимига кўра, маҳаллий Кенгашлар сессияларида ички ишлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланмоқда. Аммо ҳали камчиликларимиз кўплиги мажлисда очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Айниқса, содир этилган жиноятларнинг учдан бир қисми ёшлар улушига тўғри келаётгани ачинарли ҳол. Жиноят содир этилган жойдагина эмас, барча маҳаллада одамлар билан учрашиб, бутун жамоатчилик ҳамкорлигида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришишимиз керак. Ҳар бир профилактика инспектори мунтазам равишда ўзига бириктирилган ҳудуд муҳитини тўлиқ ўз назоратига олиши зарур.

— Танқидий руҳда ўтган мажлисдан тегишли хулосалар чиқардик, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Алима Маткаримова. — Албатта, ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Энг аввало, биз, депутатлар ўзимиз сайланган округларга бориб, маҳаллада юз берган жиноят юзасидан ўтказиладиган ҳар бир йиғилишда иштирок этишимиз, одамларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишимиз лозим.

Мажлисда Олий Мажлис Сенати Раиси, Республика комиссияси раиси Н. Йўлдошев, ички ишлар вазири П. Бобожонов иштирок этди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## ВОҚЕАЛАР

Янгиликлар Тафсилотлар



### Парвоз учун акция

**Ўзбекистондан Москвага амалга ошириладиган авиақатновлар нархларини тушириш бўйича акция эълон қилинди. Бу ҳақда "Uzbekistan Airways" АЖ хабар берди.**

Унга кўра, 2019 йилнинг 15 январига қадар юртимиз шаҳарларидан Москвага учадиган рейсларда бир томонлик парвоз нархи 100 евро, икки томонлик парвоз баҳоси 175 евро этиб белгиланди. Авиачипталарни компания сайти ва "Uzbekistan Airways" чипталар сотиш офисларида харид қилиш мумкин.

Маълумот учун келтириб ўтиш жоиз, акция эълон қилинмасдан олдин ушбу йўналишда нархлар мос равишда 130 ва 250 евро эди.

**С. МАХСУМОВ тайёрлади.**

### Ғолибларнинг ота-оналари ҳам мукофотланди

**Сирдарё вилояти ички ишлар органлари ходимлари ўртасида ўтказилган "Энг яхши ички ишлар ходими" кўрик-танлови якунида ғолибларнинг ота-оналари ҳам тақдирланди.**

— Ҳар бир йигит-қизнинг юрти ва халқига содиқ, эл ишида фидойи бўлиб воягa етишида, албатта, ота-оналарнинг ҳам хизмати катта. Шу боис ғолиб ходимларнинг ота-оналарини рағбатлантиришни лозим, деб топдик, — дейди Сирдарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи раҳбари, капитан Достон Шамсиддинов.

Танловда иштирокчиларнинг суриштирув-тергов ҳаракатлари ва профилактика тадбирларини олиб бориши, фуқаролар билан мулоқотга киришишида касбий маҳорати ҳамда малакаси синовдан ўтказилди.

Профилактика катта инспектори, капитан Нурали Хўжабеков фаолият кўрсатаётган Гулистон шаҳридаги Боғишамол маҳалласида жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида биронта ҳам жиноят содир этилмаган. Қолаверса, у Гулистон шаҳрида рўй берган 6 та жиноятни очишга эришган. Шу сингари ва профилактика тадбирларини намунали ташкил этгани учун Нурали Хўжабеков вилоятдаги 196 профилактика инспектори орасида эътироф этилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги ўқув маркази иш бошлади

**И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳудудида "ERIELL prof education" корпоратив ўқув маркази фаолият бошлади.**

Ташкилотчиларнинг айтишича, бундай муассаса очишдан кўзланган мақсад соҳада фаолият юритаётган ходимларни қайта тайёрлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш ҳамда тизимга энг илғор хорижий тажрибаларни жорий этишга кўмаклашишдан иборат.

Марказ кўп функцияли бўлиб, бу ерда, асосан, касбий таълимнинг лойиҳа менежменти, IT-технологиялар, инновацион бошқарув, бизнес алоқалари психологияси ва бошқа йўналишлар бўйича машғулотлар ўтказилади. Бундан ташқари, инглиз тили курслари ҳам йўлга қўйилган.

**Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.**

## Қилмиш-қидирмиш

# МАКТАБ ДИРЕКТОРИ **ПОРА БИЛАН** УШЛАНДИ

*Фуқаро С. Р. Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Аччи қишлоғидаги 79-мактабда анчадан буён психология фани ўқитувчиси сифатида ишлаб келарди.*

Кутилмаганда мактаб директори П. Ш. унга мутахассислиги тўғри келмаслигини рўкач қила бошлайди. Бундан мақсад фанни ўқитишни яхшилаш бўлганида қанийди, аммо нияти бузуқ экан. Тез орада у ишдан бўшатмаганлиги учун ходимдан 200 АҚШ доллари талаб қилади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда директор ўз ходимидан кимёвий ишлов берилган 100 АҚШ долларини пора тариқасида олаётганида ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФИРИБГАР **35 МИНГ ДОЛЛАРГА** ЧУВ ТУШИРДИ

*Аммо қонуний жазодан қутулиб кетолмади.*

Ҳамма соҳанинг ўз тартиб-қоидаси бор. Бунга риоя этилса, олам гулистон

Масалан, пойтахтимизда қурилаётган арзон уй-жойлардан бирини олишнинг ҳам аниқ тартиби белгиланган. Бунинг учун ўзи яшаб турган ҳудудда-



ги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тавсияси ва бошқа тегишли ташкилотлардан зарур ҳужжатлар йиғилиб, маҳалла кўмагида маҳаллий ҳокимликларда тузилган махсус комиссияга топширилади. Комиссия аъзолари ҳужжатларни белгиланган тартибда ўрганиб чиқиб, хулоса беради. Бу эса арзон тураржойларни, чиндан ҳам, уй-жойга муҳтож фуқароларга берилишида адолат ва шаффофликни таъминлайди.

Аммо айрим инсонларда қонун-қоидани четлаб ўтса бўлади, деган тушунчанинг, шунингдек, айни шундай кишилар хатосини пойлаб, ундан устомонлик билан фойдаланиб қолувчи баъзи фирибгарларнинг учраб туриши, афсуски, ҳақиқат.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси маълумотига қараганда, Тошкент шаҳар ИИБга келиб тушган ҳужжат бунга яққол мисолдир. Унга кўра, шу йил июль ойида Жиззах вилоятида яшовчи, муқаддам судланган Б. С. Чилонзор туманида яшовчи Д. Б. (исмли аёл)га Сергели туманида қурилаётган янги уйлардан 3 хонасини шу йил август ойига қадар олиб беришни ваъда қилади. Ишни битириш учун ундан 35 минг АҚШ долларини олади.

Орадан анча вақт ўтади. Аммо Б. С. берган ваъдасини бажармасдан пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади. Ҳужжатда келтирилган важлар юзасидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида Б. С. қўлга олинган. Айни пайтда ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бизнинг хулоса шундай: ҳамма ишни хуфиёна, белгиланган қоидалардан четлаб эмас, балки қонун доирасида амалга оширингки, юзингиз ҳам, йўлингиз ҳам ёруғ бўлсин.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**тайёрлади.**

# Ўзига хос акция, арзонлаштирилган нарх ва инновацион ёндашув

Умуман олганда, айни пайтда жамият тасарруфида Тошкент ва Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводлари, "Агрегат" заводи, "Технолог", "Урганчкормаш" акциядорлик жамиятлари, "Uz Claas Agro" масъулияти чекланган жамияти, "Ўзкейсмаш", "Лемкен Чирчиқ" қўшма корхоналари каби 18 та ишлаб чиқариш субъектида янгиликлар кўп. Маҳсулотлар эса турфа хил. Замонавий тракторлар, тиркамалар, бошоқли дон ўриш комбайнлари, пахта териш машиналари, экинларга ишлов бериш ва йиғиш техникалари, пуркагичлар шулар жумласидандир.

Ҳар бир корхона жамоаси ишлаб чиқариш жараёнига илғор технологияларни қўллашга ҳаракат қиляпти. Улар томонидан жорий йилда 9 243 та қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда юртимизда ишлаб чиқарилган техникаларга хориж давлатларида ҳам талаб тобора ортмоқда. Хусусан, Туркманистонга жами 17 миллион АҚШ долларилик 100 та пахта териш машинаси, 1 502 та культиватор, 600 та вентиляторли пуркагич ҳамда 200 та кўсак териш машинаси сотиш белгиланган бўлиб, шундан 12 миллион долларлик техникалар шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида, қолганлари эса келгуси йилнинг биринчи чорагида етказиб берилади.

Ҳар қандай маҳсулот яхши тарғибот қилинсагина, ўз харидорини топади, оммалашади. Шундан келиб чиқиб, жамият мутасаддилари охирги икки ой давомида республикамизнинг барча ҳудудида фермер ва тадбиркорлар билан учрашувлар, сайёр кўргазма-ярмаркалари ташкил этишди. Бу орқали кенг оммага янги маҳсулотлар имкониятлари таништирилди.

"Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти томонидан маҳаллийлаштириш жараёнига алоҳида эътибор қаратиляпти. Яъни жамоа яқин йиллар ичида ишлаб чиқарилаётган техникаларни 40 фоизгача маҳаллийлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун махсус дастур ҳам қабул қилинган.

Бундан ташқари, жамиятда қишлоқ хўжалиги техникалари ва автомашиналар учун пўлат дисклар ишлаб чиқариш, ўзиюрар қишлоқ



хўжалиги техникаларига кабиналар ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби бир нечта лойиҳаларни амалга ошириш режалаштириляптики, бу ҳам, ўз навбатида, ички ва ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллаш учун қўшимча шароит яратади.

Шу ўринда яна бир янгиликни айтиб ўтиш ўринли. Яъни жамият томонидан қишлоқ хўжалиги техника ва ускуналари шу йилнинг 1 декабридан эътиборан арзонлаштирилган нархларда тақдим этилмоқда. Мисол учун, энди ғўза қатор ораларига ишлов берувчи уч ғилдиракли "TTZ 100HC" русумли тракторни 219 миллион сўмга сотиб олиш мумкин. Ваҳолонки, бунгача унинг нархи 250 миллион сўм эди. "2ПТС-4-793А-03А" трактор тиркамасини эса хоҳловчилар 33 миллион 400 минг сўмга харид қилса бўлади. Унинг аввалги баҳоси 34 миллион 800 минг сўмдан иборат эди.

Қисқаси, ҳозир заводда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техника ва ускуналарига 4 фоиздан 21 фоизгача чегирма жорий этилган. Бундан кўзланган мақсад деҳқону фермерларга янада қулайлик яратишдир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Мушоҳада

*Кексалик. Бедор тунларда, барака топкур, алоқа муҳандислари ўйлаб топган "тугмачалар"ни қулоқларимга илинтириб қўйиб, радио тинглайман.*

# Қўшиқ муаллифи ва ижрочисини қачон эълон қиласиз?

"Ўзбекистон 24", "Пойтахт", "Маҳалла", "Водий садоси", "Ориат доно", "Радио Гранд" каналларида ҳар куни деярли ҳар соатда мумтоз наволар эфирга узатилади. Улар орасида кўплаб ўлмас, асрлар оша янграб, дилларимизга ўзгача завқ бағишлаб келаётганлари талайгина. Масалан, "Муножот", "Тановар", "Лазги", "Гиря", "Ушшоқ", "Шашмақом", "Дилхирож", "Мустаҳзод", "Чўли ироқ" каби куй ва қўшиқларни юртдошларимизнинг кўпчилиги, айниқса, биз қатори ёши улуғлар яхши билади, ҳатто ёддан айтади. Бироқ бугунги кунда бу ўлмас асарларни кимлар ижро этмоқда? От изини той босар, деганларидек, бугун улуғ санъаткорларимиз йўлини давом эттираётганлар кимлар? Радиони тингларканмиз, бу саволларга жавоб тополмай қийналамиз. Ахир янги истеъдодлар, янги овозларни халқ билиши керак-ку! Афсуски, радио тўлқинлариаро ижрочиларнинг номлари ва муаллифлари эълон қилинмайди, мумтоз наволар эса орқама-орқа уланиб кетаверади.

Авваллари ҳовлиларнинг ҳар қаерида, ўчоқбошида, айвонлару дала шийпонларида куну тун радио репродукторлари "сайраб", турли янгиликлардан, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хабар берар, қўшиқ ва куйлар янграб турар, унда тарбия, Ватан равнақи, ҳалол меҳнат тараннум қилинарди.

Радиода "Офарин, минг офарин, пахтакорлар, офарин!" қўшиғи янграганда "Ана, Ҳалима Носирова ва Фотима Борухова куйлашмоқда", дердик. Дуторни моҳирона чалиб, қўшиқ айтган аёл товушини эшитсак, Мавлуда Аъзамова, деб ҳамма танирди. Айниқса, Маъмуржон Узоқов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Саодат Қобулова, Саттор Ярашев, Карим Зокиров, Ботир Зокиров, Насим Ҳошимовни билмаган инсон деярли йўқ эди. Бироқ ҳозирги кунда-чи?

Президентимиз мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлган учрашувда, "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади", деганларида, аввало, ёшларга имкон бериш, уларнинг истеъдодини кашф этиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг ижод маҳсулини юртимиз ва дунёга кенг ёйишдек эзгу ишларни назарда тутгани, шубҳасиз.



Ахир миллий мусиқа санъатимизнинг илдизлари бақувват, улар мазмунан теран, салмоқли. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов тасвирлаганидек, улар замирида халқимизнинг орзу-армонлари, қувонч ва дардлари мужассам:

*Эшилиб, тўлғониб*
*инграниди куй,*
*Асрлар ғамини*
*сўйлар "Муножот".*
*Куйи шундай*
*бўлса, ғамнинг ўзига*
*Қандай чидай*
*олган экан одамзод?!*

Ҳазрат Навоийнинг ғазалига Имомжон Икромов куй басталаган. Қўшиқни Берта Давидова катта анжуманлар залида куйлаганида атоқли адиб ва давлат арбоби Шароф Рашидов саҳна ортига ўтиб, "Берта опа, сиз ўзингизнинг "Муножот"ингиз билан ўзингизга ҳайкал яратибсиз", деган экан.

Алишер Навоий, Бобур Мирзо, мавлоно Лутфий, Фузулий, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Ҳабибий, Собир Абдулла ва бошқаларнинг ижодий меросини ана шундай юксак қадрлаган халқимизга ҳозирги кунда уларнинг шеърларига куй басталаётган муаллифлар ва ижрочилар танитилмаса, буни қандай санъат тарғиботи, деб аташ мумкин?!

Радионинг фонотекасида ҳамма керакли маълумотлар (сўз муаллифи, бастакор ва ижро этган хонанданинг исм-шарифи) мавжуд бўлиши лозим. Бошловчи ва овоз оператори уларни, албатта, тингловчиларга етказиш чораларини кўриши керак. Афсуски, ўз вазифасига бепарволик ёки беписандликданми, бу масалаларга жиддий эътибор қаратилмаяпти. Бу ҳолат ҳозиргидек давом этаверса, "Чўли ироқ", "Муножот", "Қора кўзим", "Суратинг" ва бошқа мумтоз қўшиқ ҳамда куйлар ижодкорларини ёш авлод қандай танийди? Улар Имомжон Икромов, Комилжон Жабборов, Фахриддин Содиқов, Тўхтасин Жалилов, Мутал Бурҳонов, Хайри Изомов, Юнус Ражабий, Набижон Ҳасанов каби улуғ санъаткорларимизни эсдан чиқариб юбормайдими? Энг ёмони, бу келажакда халқимизни маданий қашшоқликка олиб келмайдими? Маънавият ва маърифат бобида кичик масаланинг ўзи йўқ. Шундай экан, биз кўтарган масалага ҳам лоқайд қараб бўлмайди.

**Эркин ИБРОҲИМОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРДАН 28 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 августдаги 216-сон "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

**2018 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358-1. (2018 йил 25 сентябрдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 25 сентябрдаги 466-мҳ-сон "Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

**2018 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-2. (2018 йил 25 сентябрдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

**2018 йил 26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3069. (2018 йил 26 сентябрдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 10 августдаги 21-Б-сон "Хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ихтиёрий рўйхатдан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

**2018 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3070. (2018 йил 28 сентябрдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 26 сентябрдаги 1-сон "Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

**Хабар**

**2018 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071. (2018 йил 28 сентябрдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 августдаги 239-В-2, 123-сон "Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори.

**2018 йил 28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-2. (2018 йил 29 сентябрдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 20 августдаги 23-Б-сон "Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларининг намунавий уставини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

**2018 йил 28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3072. (2018 йил 29 сентябрдан кучга кирди).**

***II. Техник ҳужжат деб топилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 25 сентябрдаги 16/НТД-6-сон "Аттракционлар мавсумига тайёргарлик кўриш ва уларни фойдаланишга бериш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***Адлия вазирлигининг 2018 йил 28 сентябрдаги 6-21/3-16121/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 25 сентябрдаги 16/НТД-5-сон "Буғ ва сув солинган қозонларнинг тузилиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***Адлия вазирлигининг 2018 йил 28 сентябрдаги 6-21/3-16122/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.***

*Тадбиркорлар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

## Бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси

**қуйидаги объект қурилиши юзасидан пудрат ташкилотини аниқлаш учун энг яхши таклифлар танлови бўйича очиқ харидлар ўтказилишини маълум қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қарорида белгиланган лойиҳани амалга ошириш доирасида Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги **«Фориш деҳқон бозори» МЧЖ**ни реконструкция қилиш ва унинг ҳудудида бир қаватли супермаркет, ёрдамчи иншооти билан 150 ўринли енгил металл конструкциялардан тайёрланадиган йиғиш-ёйиш павильонини ўз ичига олган III типли замонавий савдо мажмуасини қуриш.

Харид ишларининг охирги қиймати: ҚҚСни ҳисобга олганда **5 990 913 864 сўм**, ҚҚСни ҳисобга олмаганда **4 992 428 220** сўмни ташкил қилади.

Молиялаштириш манбаси: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маблағлари.

Қурилиш муддати: пудрат шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб **240 кун**.

Буюртмачи: **бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси.**

**Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18.**

Савдоларда қатнашадиган иштирокчилар учун қуйидаги квалификацияловчи (таснифловчи) талаблар қўйилади: харид буюми қийматининг 20 фоиз ҳажми (1 198 182 773 сўм)даги айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишларни амалга ошириш учун зарур ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассислар, шартнома имзолаш учун фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат ҳамда ваколат, охирги уч йилда шу каби объектлар ва харид объектлари бўйича иш тажрибаси мавжуд бўлиши керак.

Харид ҳужжатлари **exarid.uzex.uz** сайтига жойлаштирилади. **ЛОТ: № 9040905**

Харидларда иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси — **бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекциясининг қуйидаги манзилига мурожаат қилиш лозим:**

**Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18, 71-233-83-27, электрон почта — nbu.direksiya@mail.ru**

*Харид ташкилотчисига таклиф юборишнинг охирги муддати — 2018 йил 14 декабрь.*

**Таклифларни очиш 2018 йил 17 декабрь куни соат 11.00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

**онлайн-аукцион савдоларига таклиф этади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Наманган вилояти бошқармаси билан 2018 йил 26 ноябрда тузилган 256/2018-10-сонли шартномага асосан, https://www.e-auksion.uz электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 8 январда** ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Наманган вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «ГАЗ-31029» | 1995 | 50 057 FAA | 0029042 |
| 2. | «УАЗ 31514-010» | 1996 | 50 984 OAA | 0029064 |
| 3. | «УАЗ 31512-10» | 1996 | 50 079 FAA | 0029058 |
| 4. | «УАЗ 31512-10» | 1996 | 50 087 FAA | 0029069 |
| 5. | «УАЗ 31514-10» | 1996 | 50 013 QAA | 0029055 |
| 6. | «УАЗ 31514-10» | 1996 | 50 112 FAA | 0029062 |
| 7. | «УАЗ 31514-10» | 1996 | 50 032 QAA | 0029067 |
| 8. | «УАЗ 31512-10» | 1996 | 50 064 FAA | 0029053 |
| 9. | «УАЗ 31512» | 1996 | 50 067 FAA | 0029056 |
| 10. | «УАЗ 31514-012» | 1997 | 50 049 FAA | 0029072 |
| 11. | «УАЗ 31514-012» | 1997 | 50 074 FAA | 0029071 |
| 12. | «NEXIA COHC» | 1996 | 50 071 FAA | 0029051 |
| 13. | «NEXIA COHC» | 1998 | 50 410 FAA | 0029073 |
| 14. | «УАЗ 31514» | 2001 | 50 084 FAA | 0029074 |
| 15. | «NEXIA» | 2001 | 50 115 FAA | 0029077 |
| 16. | «DAMAS» | 2001 | 50 091 FAA | 0029075 |
| 17. | «DAMAS» | 2001 | 50 092 FAA | 0029076 |
| 18. | «DAMAS» | 2003 | 50 099 FAA | 0029078 |
| 19. | «NEXIA DOHC» | 2003 | 50 043 EAA | 0029079 |
| 20. | «NEXIA DOHC» | 2007 | 50 107 FAA | 0029049 |
| 21. | «LACETTI CDX B3 A/T» | 2010 | 50 243 NAA | 0029046 |

**Автотранспортлар сақланаётган манзил: Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 9-уй.**

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

**онлайн-аукцион савдоларига таклиф этади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Фарғона вилояти бошқармаси билан 2018 йил 9 ноябрда тузилган 243/2018-05-сонли шартномага асосан, https://www.e-auksion.uz электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида 2018 йил 13 декабрда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Фарғона вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «УАЗ 31512-010» | 1987 | 40 458 LAA | 0024372 |
| 2. | «УАЗ 31512-010» | 1988 | 40 642 BAA | 0024362 |
| 3. | «УАЗ 31512-010» | 1989 | 40 290 HAA | 0024373 |
| 4. | «УАЗ 31512-010» | 1989 | 40 449 BAA | 0024354 |
| 5. | «УАЗ 31512-010» | 1990 | 40 250 KAA | 0024370 |
| 6. | «УАЗ 31512-010» | 1993 | 40 744 HAA | 0024365 |
| 7. | «УАЗ 31512-010» | 1993 | 40 457 LAA | 0024353 |
| 8. | «УАЗ 31512-010» | 1993 | 40 631 DAA | 0024358 |
| 9. | «УАЗ 31512-010» | 1996 | 40 228 YAA | 0024371 |
| 10. | «УАЗ 31512-010» | 1996 | 40 752 HAA | 0024355 |
| 11. | «УАЗ 31512-010» | 1996 | 40 257 KAA | 0024356 |
| 12. | «УАЗ 31512-010» | 1996 | 40 630 DAA | 0024357 |
| 13. | «УАЗ 31512-010» | 1996 | 40 649 HAA | 0024366 |
| 14. | «УАЗ 31512-010» | 1997 | 40 639 BAA | 0024369 |
| 15. | «УАЗ 31512-010» | 1997 | 40 645 BAA | 0024360 |
| 16. | «УАЗ 31514-012» | 2001 | 40 657 HAA | 0024361 |
| 17. | «DAMAS» | 1993 | 40 746 HAA | 0024363 |
| 18. | «DAMAS» | 1997 | 40 659 HAA | 0024368 |
| 19. | «DAMAS» | 1998 | 40 615 BAA | 0024351 |
| 20. | «DAMAS» | 1999 | 40 885 HAA | 0024349 |
| 21. | «DAMAS» | 1999 | 40 759 HAA | 0024350 |
| 22. | «NEXIA» | 2005 | 40 577 EAA | 0024359 |
| 23. | «NEXIA DOHC» | 2008 | 40 271 HAA | 0024367 |
| 24. | «NEXIA DOHC» | 2008 | 40 910 EAA | 0024364 |
| 25. | «LACETTI 1,8» | 2010 | 40 615 GBA | 0024352 |

**Автотранспортлар сақланаётган манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Эътиқод кўчаси, 44-уй.**

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

## QQB QISHLOQQURILISHBANK

*«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ жамоаси юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади!*




**Фурсатдан фойдаланиб, миллий валютадаги қуйидаги омонат турларини таклиф қилади:**

**«Инсон манфаати» —**

**омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси йиллик 18%.**

**«Келажак бунёдкори» —**

**омонат муддати — 25 ойдан 36 ойгача, фоиз ставкаси йиллик 20%.**

*Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.*

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

*«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!*

**Мурожаат учун телефонлар: 71-150-72-58, 71-150-93-39.**

**www.qqb.uz**

Хизматлар лицензияланган.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси

**Германия иқтисодиётининг Шарқий қўмитаси билан ҳамкорликда**

**танлов эълон қилади.**

### *Магистратура талабалари учун стажировка дастури — 2019!*

**Танлов ташкилотчиси:** Германия иқтисодиётининг Шарқий қўмитаси (ГФР).

**Миллий ҳамкор:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси.

***Лойиҳа ҳақида қисқача маълумот:*** «Эл-юрт умиди» жамғармаси Германия иқтисодиётининг Шарқий қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари магистратура талабаларининг Германиядаги етакчи компанияларда стажировка дастурини амалга оширади. Дастурга мувофиқ, амалиёт Германия ва Ўзбекистон ўртасида иқтисодий ҳамкорликни такомиллаштириш, шунингдек, магистратура талабаларининг малакасини ошириш орқали Ўзбекистон — Германия бизнес алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг назарий билимларини Германия етакчи компанияларида амалиётга татбиқ этишга қаратилган. Номзодлар танлов асосида сараланади. Танлов натижаларига кўра, муваффақиятга эришган номзодлар немис компанияларидан бирида амалиёт ўташга таклиф қилинади.

***Стажировка дастури учун ўрин:*** 30 тагача.

***Молиялаштириш:*** «Эл-юрт умиди» жамғармаси Ўзбекистондан Германияга бориб-келиш, шунингдек, аэропортдан стажировка жойигача бўлган транспорт харажатларини қоплайди. Виза кўмаги эса Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Амалиёт даврида яшаш билан боғлиқ харажатлар (тураржой, суғурта, ойлик иш ҳақи, бонуслар) немис компаниялари зиммасида бўлади.

***Танлов тартиби:*** танлов уч босқичда — ариза бериш, Тошкентда суҳбат ва компания вакиллари билан суҳбат тарзида ўтказилади.

Биринчи босқичда номзод томонидан ариза берилади, сўровнома тўлдирилади ва керакли ҳужжатлар топширилади.

Дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтган номзодлар кейинги босқичда, яъни суҳбат жараёнида иштирок этишади.

Охирги босқичда суҳбатдан ўтган номзодлар Германия компанияларига стажировкага жойлаштирилади.

***Номзодларга қўйиладиган талаблар:***

1. Дастур фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун мўлжалланган.
2. Инглиз ёки немис тилларида равон сўзлаша олиши керак.
3. Номзоднинг ёши 22 ёшдан кам бўлмаслиги лозим.
4. ANABIN тизимида аккредитациядан ўтиб H+ мақомига эга бўлган, (https://anabin.kmk.org/anabin.html) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратура талабалари қуйидаги йўналишлар бўйича амалиёт дастурларида иштирок этиши мумкин:
   - иқтисодиёт;
   - бизнес-бошқарув;
   - муҳандислик (саноат, фуқаролик, технология, электротехника, механика, энергетика, кончилик, аэрокосмик тармоқларда);
   - ҳуқуқ;
   - ахборот технологиялари;
   - бухгалтерия;
   - архитектура;
   - иқтисодий журналистика.

**Аризалар 2018 йил 17 декабргача қабул қилинади.**

**Стажировка бошланиши: 2019 йил апрель ойининг охири, май ойининг бошларида.**

26 ноябрдан бошлаб «Эл-юрт умиди» жамғармасининг www.eyuf.uz ва Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитасининг www.oaoev.de веб-сайтларида онлайн ариза тўлдириш учун ҳаволалар жойлаштирилган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 13. Маълумот учун телефон: 71-203-00-47.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6